



СССР УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ
УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши

№ 66 (13.328).

22

МАРТ

1966 йил

СЕШАНБА

Баҳоси 2 тийин.



СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ СОСТАВИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛМОҚДА

21 мартда мамлакатда СССР Олий Советига сайлов ўтказуви марказий сайлов комиссияси составига номзодлар кўрсатиш давом этди.

Маданият ходимлари касба союзи Марказий комитети президиумининг шу касба союзи Марказий комитети аъзолари Москва шаҳридаги маданият қорхоналари ва муассасаларининг касба союзи аъзолари билан биргаликда ўтказилган кенгайтирилган мажлисида СССР Олий Советига сайлов ўтказуви марказий сайлов комиссияси составига номзодлар кўрсатиш масаласи кўриб чиқилди.

Мажлиси касба союзи Марказий комитетининг раиси Т. Г. Калининни очди.

Москва шаҳар маданият ходимлари касба союзи комитетининг раиси З. Н. Глебова СССР Олий Советига сайлов ўтказуви марказий сайлов комиссияси составига КПСС Марказий Комитети ташкилий-партийий ишлар бўлимининг мудири И. В. Капитоновни кўрсатди. Маданият ходимлари касба союзи Ленинград области комитетининг раиси Ю. В. Вознесенский ҳамда маданият ходимлари касба союзи Иванов области комитетининг раиси В. Н. Чистова ўртоқлар бу таклифни қувватлаб чиқдилар.

Украина маданият ходимлари касба союзи республика комитетининг раиси И. Ф. Кравченко СССР Олий Советига сайлов ўтказуви марказий сайлов комиссияси составига КПСС Марказий Ревизия ко-

миссиясининг раиси Н. А. Муравьева номзодини кўрсатиш тўғрисида таклиф киритди. Бу таклифни маданият ходимлари касба союзи Ярослав области комитетининг раиси Р. Ф. Соколов ҳамда «Красный пролетарий» босмаохонасининг директори, касба союзи марказий комитети президиумининг аъзоси А. А. Яцков ўртоқлар қувватлаб чиқдилар.

СССР Олий Советига сайлов ўтказувидаги Номзоднинг 36 моддасида мувофиқ СССР маданият ходимлари касба союзи Марказий комитетининг президиуми СССР Олий Советига сайлов ўтказуви марказий сайлов комиссияси составига КПСС Марказий Комитети ташкилий-партийий ишлар бўлимининг мудири Уртоқ Иван Васильевич Капитоновни ва КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг раиси Уртоқ Нонна Александровна Муравьева билан қарор қилди.

ВЛКСМ Марказий Комитети бюросининг 21 мартда бўлиб ўтган мажлисида марказий сайлов комиссияси составига Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ешлар Союзидан ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари С. П. Павлов кўрсатилди.

Минск области коммунистик ташкилотидан СССР Олий Советига сайлов ўтказуви марказий сайлов комиссияси составига Белоруссия Компартияси Минск области комитетининг биринчи секретари И. Е. Поляков кўрсатилди. (ТАСС).

БАҲОР ЧОРЛАЙДИ

Комюот мовий сепини ёйлати. Инсон баҳр-диллини шод этувчи инфатли баҳор саҳйи ерларини жамолини очиб боради. Далалар кўм-кўк либос кийган. Навқирон, азамат баҳор ҳар бирини энгил куч, қувват бахш этмоқда. Қалби улуг истак, умид-орзулар билан тепайтган дехқон бел боғлаб дала, га чиқди. Унинг шу баҳордек гулшан, шу баҳордек мусоффо ва жо, зибали меҳнати янги жасорат, қаҳрамонликлар пратиш учун кенг майдонлар очиб бермоқда.

Коммунизм наҳшасидега элимизда кезаётган баҳор ҳар бирини энгил йул тилапти. Ҳозир далаларда иш шу қадар қизиб, кенгайиб кетдики, бу миллион-миллион дехқонларнинг қаддон партиямиз XXIII съезди шарафига авк олдираётган омавий мусобақасининг илк самарасидир. Қишлоқ хўжалигининг ҳар бир ватанпарвари янги марраларни эгалаш йўлида, муборак беш йиллигини Директиваларда бахш этилган буюк вазифаларни амалга ошириш йўлида илгари томон шаҳдам оиди ташлаб, коммунистик қурилишнинг ҳар бир участкасида эришяётган муваффақиятини шу съездега армуғон этмоқда, шу съездин меҳнат зафарлари билан муборакбон қилмоқда.

Бу йилги режаларимиз катта. Батавнга 3 миллион 750 минг тонна пахта, 286 минг тонна дон, шу жумладан 80 минг тонна шол, яна қанчадан-қанча пилла, сабзавот, мева-чева, қорачилик маҳсулотлари етказиб беришимиз керак. Катта курашларда тобланган, ин-тернционал бурчини чуқур англаган, ҳар қандай қийин, мураккаб вазифаларни ҳал этиш учун ўзини битмас-туғамас куч тўплаган меҳнатсевар, жасоратли узбек дехқонлари янги беш йиллигининг биринчи йилида ҳам ўз мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун қатъий курашга отлан-дилар. Улар бу билан ўтган йили эришилган тарихий ғалабаларини янги, иккинчи ишлар билан мусобақа қилишмоқда, коммунизм мўл-кўлчилигини пратиш йўлидаги умумхалқ курашида, актив қатнашмоқда.

Бу йилги баҳоримиз айниқса файзли, хуш келди. Унинг дил-бар меҳри янги қувончлар, янги зафарлар келтирмоқда. Инсон тафаккурда асрлар оша яшган афсонавий ўй-фикрлар ҳақиқатга кўчратилганининг кўпдан-кўп далилларидан яна бири аниқ Бухоро саҳроси белгилар кўмуш белбоғ тақилганидир. Ҳаёт тўқилганлиги янги канал бўйлаб йўл олд, бутун кўм, саҳроларни босиб ўтиб, Бухорога қарай ҳаёт келтирди. Бухоро дала-ларининг жамоли янада очилиб кетди. Эндигида неча ўн минг гектарлаб янги ерлар шу каналдан сув олади, эгиндорлар, пахтазорлар, боғ-роғлар бир-бирига тўташ-лаёндолар ёзаверди. Шу баҳоримиз Бухорога буюк инъом ҳам олиб келди. Унинг қаҳрамонона меҳнати, саховатли ишн юксак тақдирланди. Унинг кўнисида Ленин ордини танилди.

Қарши, Шеробод, Евзёнов дашт-ларида неча минг гектар асрий мудоқо ерларнинг бағри очилди. Бу майдонларга мана шу баҳоримизда биринчи марта чигит қада-лади, ниқоллар ўтказилди. Анди-жон, Тошкент, Сирдарё, Самар-қанд, Қашқадарё областларининг кўпгина хўжалиқларида чигит эки-ладиган майдонлар тахт қилиб кў-нилди. Мана шуларнинг ҳаммаси баҳоримиз нучаётган, баҳоримиз туффа этаётган янги ишларимиз-нинг дебочасидир.

Баҳор дехқон учун тахт сано, Сифатли тайерланган ерга қада-лан уруғ тез ва бехато унаб чи-кади, баҳарали ҳосил беради. Де-мак ҳамма гап экинчи сира ҳаял-ламай, оби-тобида, агротехника та-лаблари асосида соз ва пухта ўт-казиш учун зарур ҳамма нарсани шу меҳна-қундузда тахт қилиб қў-

йишга боғлиқ. Ҳар йили пахта ва бо-шқа экинлардан мўл-ҳосил кўтаряётган дехқонларимиз тақрибаси экинни барвақт ўтказиш ҳосили тез ети-лиши ва эрта су-қадаёқ уни са-ранжомлаб олиш мумкинлигини кўр-сади.

Ленин катта, умумий юришми-зида кейинда қолаётганлар борли-дан кўз юма олмаймиз. Қора, қалпоғистон Автоном республика-си, Хоразм ва Фарғона областла-ридаги айрим хўжалиқларда чигит экиладиган ерлар ҳозиргача ҳай-даб бўлинган йўқ. Ваҳолонки бу ерларда экин майдонларини чи-гит қадашга тайёрлаш суръати-ни тезлаштириш учун ҳамма им-кониятлар мавжуд. Ленин айрим районларнинг партия, совет ва иш-лоқ хўжалик органлари, кол-хоз ва совхозларнинг раҳбарлари ташкилий ишларни пухта уюшти-ра олмасликлари, бутун куч ва техника воситаларини тахт қилиш-га жиддий эътибор бермаётганли-клари оқибатда баҳорги ишларга тайёргарлик анча кечинтириб ю-борилмоқда.

Техниканинг бир қисми ҳали ҳам ремонтдан чиқарилмаганини чигит экинчи ҳамма жойда бир-дек барвақт ва қисқа муддатларда ўтказишга ҳалокат бериши мум-кин. Сурхондарё областининг баъ-зи хўжалиқларида ҳамма маржа-лаб тракторлар, селла ва куль-тиваторларнинг бир қисми ҳали-га ҳам қўлдан чиқарилгани йўқ. Да-лаларга маҳаллий ўғит чиқариш, уруғлик чигит ва минерал ўғит-ларини ташиб келтириш, эриқ-зу-рурларни тозалаш, ерларни текис-лаш, далаларнинг мелiorатива ҳо-латини ахшиллаш сингари муҳим ишларни кечинтиряётган хўжалиқ-лар ҳам бори, бу хўжалиқларни раҳбарлари уртасида ҳуки сураётган бепарволик, хотиржам-лик, масъулиятсизлик ҳолларини қаттиқ қоралаш керак.

Қиш кўрмоқ келди. Аммо кейин-чалик устас-уст ёққан ёғиш қу-рқилиш уринин босди дейиш мумкин. Бунинг натижасида нам ернинг чуқур қатламларига бо-риб етди. Эндиги эвазифа намини қорачилик уни тўла қадаб ю-лиш учун агротехника тадбирлари-ни моҳирлик билан ўтказишдан иборат.

Шу кунларда механизатор кадр-ларни турғи танаб, жой-жойига қўйиш, чигит экиданган агрегатлар экинчиларини қолдириб қўйиш, экин ишлардан ҳисобламчи та-й-ергалар билан киришяётганли-гини ҳар тарафлама чуқур урганиш-лари, бу соҳада тўплаган тажри-ба, баларни омаллаштиришлари ва мавжуд камчиликларни тугатиш зотасидан зарур чоралар кўриш-лари лозим. Партия ва совет ҳа-қини ҳар бир хўжалиқда иш-нинг бутун йўналишдан яхши ҳа-бардор бўлгандагина, у қанай са-салага диққат-эътиборни жалб этиш заруригини яхши тасаввур этгани, кишиларни сағбарбар этиш учун аниқ мўлқалга эга бўлади.

Партия ташкилотлари қишлоқда амалга ошириляётган сиёсий-ома-вий ишларни баҳорги экинни му-ваффақиятли ўтказиш мақсадини кўзлаб олиб боришлари, меҳнат-чилларини олинган социалистик мажбуриятларини бажаришга са-ғбарбар этишлари, ҳар бир пахта-зор, ҳар бир меҳнатдорнинг умумий ишда ўз уринин оғли ра-ҳида белгилаб олишига эришиш-лари керак.

Улкамизда баҳор кезида, Со-вет Иттифоқи коммунистларнинг буюк аниқмани, совет халқи пра-тувчилик ишларининг илкомчили-ва ташкилотчили КПССнинг XXIII съезди яқинлашмоқда. Давр тала-бини, давр вазифаларини яхши англаган, баҳоримиз истибқоли-нинг янги режаларидан руҳланган бизнинг пахтадорларимиз кўла-ми чигит экишга юксак уюшқон-лик ва жипсли билан киришадил-лар. Уларнинг меҳнат зафарни улуг ленинчи партиянинг бўлажак съезди-га муносиб тўхфадир.

МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ

Ўзбекистон ССР паррандачилик саноати бошқармаси коллективи КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани кун сайин кучайтириб, катта ғалабани қўлга киритди. Ихтисослаштирилган паррандачилик қорхоналари давлатга тўхум топириш юзасидан биринчи квартал планини 102 процент адо этдилар. Пландига 6,5 миллион ўрнига 6,6 мил-лион дон тўхум етказиб берилди. Бу муваффақиятга Тош-кент, Қорасув паррандачилик фабрикалари коллективлари муносиб ҳисса қўшдилар. Тошкент шаҳар аҳолиси ана шу қорхоналардан 2,9 миллион дон тўхум олди.

«Узтисцепром» қорхоналари биринчи квартал охирига қадар давлатга яна 1,5 миллион дондан кўпроқ тўхум то-пириш мажбуриятини олдлар.

«Узтисцепром» қорхоналари биринчи квартал охирига қадар давлатга яна 1,5 миллион дондан кўпроқ тўхум то-пириш мажбуриятини олдлар.

КЎКЛАМ ТАРАДДУДИ

ҒИЙДУВОН. Энгельс номли колхозда пахта майдонларини чигит экишга тайёрлаш ишлари уюшқонлик билан олиб бори-моқда. Ҳозиргача бу ерда 2000 гектар ер боронланди. Шу кунларда Нур Туев, Рамазон Қўрбонов, Саъдулла Рўзиев ўр-тоқлар бошлиқ бригадаларнинг дехқонлари челларни бузиш ва ерларни текислашда алоҳида намуна кўрсатмоқдалар.

О. КОМИЛОВ.

ШОВОТ. Чкалов номли кол-хознинг Зариф Рамазов бошлиқ бригадасида 80 гектар майдон-нинг ҳар гектаридан 46,7 цент-нердан ҳосил етиштирилган эди. Бригада пахтазорлари бу йил ҳосилдорлигини гектар боши-га 60 центнерга етказиш мақса-дида шўр ювиш, далага мине-рал ва маҳаллий ўғит ташиб чиқариш суръатини кун сайин кучайтирмоқдалар.

Н. НУРМАТОВ.

САМАРҚАНД. КПССнинг навоҳидаги XXIII съезди шара-фига социалистик мусобақага қўшилган «Богизгон» совхоз-нинг дехқонлари далага маҳал-лий ўғит ташиб чиқариш, ерлар-ни экишга тайёрлаш ишларини жадал суръатлар билан ўтказ-моқдалар. Ҳайдар Дўстмуродов, Эмомбедин Эшонкулов ўртоқ-лар бошлиқ бригадаларда қис-қа муддатда 400-420 тоннадан маҳаллий ўғит жамғарилиб, пайкал бошига ташиб қўйилди.

П. ҲАМДАТОВ.

АНДИЖОН. Ленин райони-даги Қалинин номли колхоз дехқонлари бу йил она-Ватанга 5142 тонна пахта етказиб бе-риш учун чигит экишга пухта ҳозирлик қўриптилар. Мавжуд техника воситалари мавсумга тахт қилиб қўйилди. 20 минг куб метрдан кўпроқ туяроқ иш-лари бажарилди ва сўғориш шо-ҳобчалари тартибга келтирилди. Далага 3000 тоннадан зиёд ма-ҳаллий ўғит чиқарилиб, қўйиб қўйилди.

С. ҲАЙДАРОВ.

Бўз районидagi Энгельс номли колхоз чорвадорлари КПСС XXIII съезди шарафига социалистик му-собақани қизитиб, ажойиб юту-қларни қўлга киритптилар. Улар давлатга 146 центнер гўшт то-пириб, ўн оилин планини бажар-дилар.

Колхоз чорвадорлари съезд оч-ладиган кунгача давлатга гўшт со-тиш йилли планини ҳам бажариш учун бурдонга қўйилган моллар-ни намунали боқитилар.

У. РУСТАМОВ.

Съезд олди меҳнат вахтасида ту-риб ишлаётган Киров районидagi Фарғона области «Искра» колхо-зининг чорвадорлари гўшт сотиш йиллик планини муваффақиятли бажардилар. Давлатга 442 центнер семиз гўшт топширилади.

Ф. СОЛНОВ.

ЗАФАРЛАРГА ДАЪВАТ

БУХОРО ОБЛАСТЬ МЕҲНАТКАШЛАРИ-
НИНГ КЎПМИНГ КИШИЛИК МИТИНГИ

улугвор режаларини амалга ошира бориб, халқ хўжалиги ва маданиятининг барча тармоқларини тўхтовсиз ривожлантиришга эришмоқдалар.

Воҳанинг кенг қўлида қад кўтарган На-воий шаҳрида индустриядаги гигантлари барпо этилмоқда. Бу ерда катта химия билан бирга энергетика девор оқимлар билан илгарилар бор-моқда. Ётти йилликнинг аяқловини йилда Навоий нуҳсониси — давлат район электростанцияси халқ хўжалигига 1,5 миллиард киловатт соатдан ортиқ электр энергияси етказиб бериб, Нур ша-ҳрининг шимикати кимёларга мамлакатта кимё ифтизоларининг улкан куч-қувватини намойиш-этишмоқдалар. Навоий — ҳозирги замоннинг чина-кам гўзал шаҳри сифатида бундай келмоқда.

Газлини ҳақли равишда Ўзбекистон ер ости бойлиқларининг дурдонаси деб айтмоқдалар. У халқ хўжалигига ҳам нур, ҳам дур бермоқда. Меҳнатсевар газчилар янги-янги газ маёбларини топиб фойдаланишга топишмоқдалар, газ етказ-иб бериш ҳажмини тобора кўпайтирмоқдалар. Яқин вақтларгача Газлида 4 та газ йиғув пункти ишлайтган эди. Ҳозир аса уларнинг сон 6 тага етказилди. Коммунистик партиямиз XXIII съезди очилганидан кунги яна битта газ йиғув пункти фой-даланишга топишляди. Шонли оловдорлар ар-мияси илгари 22,5 миллилар кубометр за-торни олов етказиб беришга аҳдлашганлар.

Бухоро олтини республикамизда саноатнинг ян-ги тармоғини вужудга келтирди. Мурўтов бағри-даги қимматбаҳо-маъдан республикамизнинг СССРда асосий олтин базаси ҳам бўлиб қолди имконияти-ни беради.

Саноатнинг бошқа тармоқлари ҳам тез оқимлар билан илгарилар бормоқда. Ётти йилдан ялли маҳсулот ҳажми област бўйича 2,1 баравар ўс-ди. Нефть етиштириб бериш бир неча баравар кў-пайди. Ўрта 1963 йилда 2 миллиард 536 миллион кубометр газ ва нефть ишлаб чиқарилган бўлса, 1965 йилда бу миқдор 16 миллиард кубометрга етди. Пайдадан ташқари қўлаб уй-жой ва мада-ний маънавий бинолар қад кўтарди.

Яқиндагина фойдаланишга топирилган ва ун-га эа туҳфаси сифатида КПСС XXIII съезди номи берилган Аму — Бухоро машияи қанали Ўрта Осиё ирригация иншоотларининг титантидир. Унинг йилга тузирилиши Бухоро область кри-лоқ хўжалигини янги таъ суръатлар билан рив-ожлантиришнинг қад катта ва порлоқ бўлини очиб беради. Бу ирригация иншооти, охи-ҳаёт дарёси пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экин-ларидан муттасил юқори ҳосил олишни таъмин-лайди, экин майдонларини янча кенгайтириш им-конияти беради. Шулунг учун ҳам област қиш-лоқ хўжалиги меҳнаткашлари бу йил она-Ватанга 317 минг тонна «оқ олтин» етказиб берамиз, эли-мазмунинг дастурхонини ноз-неъматларга тўлдир-амиз, қорамиз билан аса чўмичимизни мойга бо-тирамиз, демоландар. Бу эришилган муваффа-қиятларнинг бариси КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати кўрсатиб келаятган доимий ғам-хўрақларининг натижасидир.

Митингда сўзлаган Бухоро давлат педагогика институтининг кафедра мудири М. Раҳматов ана шу ажойиб дўстлигининг мадҳ этди.

Бутунг аялоқ отақларимиз тутнаган шонли революция байроғини боши узра баланд кўтариб олиб келаятган учун ҳам, улар бошлар берган аянлага содиқ бўлиб келаятган учун ҳам меҳ-натда янгида-янги зафарларни қўлга киритмоқ-

да. 1918 йилдан буён КПСС аъзоси. Бухорода Со-вет ҳокимияти ўрнатилда актив иштирок этган Ш. Арслонқўйев бахти-саодати йўлга бошла-ган шонли тавария номидан област меҳнаткаш-ларини чин қалбдан қўтлади.

Янгиқонан раъзидан-экспедиясининг парм-ловчи мастери, СССР Олий Совети депутат Э. Ҳимматов. Воқибот район партия комитетининг биринчи секретари Ж. Орипов, Гийдувон райони-даги Энгельс номли колхоз раиси С. Жабборов, Бухоро шаҳар пиллавақилин фабрикасининг ин-женери Х. Фозилов, Когон локомтив депонизинг машинисти В. Шевченко, Навоий химия комби-натининг аппаратчиси Н. Бернград ва бошқа ютқил-вор област меҳнаткашлари олдида турган, улуг-вор ваифалар ҳақида гапирдилар.

Област Ленин орденининг берилиши катта шараф бўлиб билан бирга, у меҳнаткашлар зим-масида улугвор ваифалар ҳам қолмади, област меҳнаткашлари бугун кечагидан, эртага аса бу-ғунгидан ахшироқ ишлайшлари, партия ва ҳуку-матимизнинг олий тақдирига шонли меҳнатлари билан муносиб жавоб беришлари керак.

Бу сўз ҳар бир митинг қатнашчиларининг юрак сузалари эди. Шулунг учун ҳам Ўзбекистон Ко-мпартияси Марказий Комитетининг секретари Уртоқ Н. М. Матчонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Со-вети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг юксак мукофот муносабати билан об-ласт меҳнаткашларига табригини ўқиб берганда, митинг қатнашчилари бу табрик маъноси тил-дор қарсаклар билан кутиб олдилар.

Област меҳнаткашларининг олий мукофот учун ташаккур айтиб, Совет Иттифоқи Коммуни-стик партияси Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети-га бўлган мактубларини област партия юм-тетининг иккинчи секретари Уртоқ П. О. Чекин ўқиб берганда, митинг қатнашчилари бу макту-бин яқинлиқ билан маъқуллаганликлари тил-дор, узоқ давом этган қарсаклар билан ифода-этидилар.

Област партия комитетининг секретари Уртоқ У. Х. Камолов митинг қатнашчиларининг област меҳнаткашлари номидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, Ўзбекистон ССР Олий Со-вети Президиумига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига мактубини ўқиб эшиттирди.

ВЛКСМ Марказий Комитетидан, СССР Газ сано-ти министрлигидан, шунингдек, қўпгина бошқа ташкилотлардан ҳамда республикамиздаги барча областлардан, Тошкент шаҳар меҳнаткашлари но-мидан табрик телеграммалари олингани маълум қилинди.

Кўпмиг кишилик митинг ёниқ деб эълон қи-линади. Ўзбекистон Совет Социалистик Респуб-ликаси Давлат Гимнининг янгрқ садалари стадион-и ёниқга тургизилди.

Митинг қатнашчилари қалбида эртанги куннинг порлоқ режалари мияк уради. Бу улкан ваифа-лар, режалар аниқ. Улар СССР халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик плани бўйича КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳасида яққол ифодасини топадилар.

Олий мақсад — мамлакатимизда коммунизм қу-рилишига муносиб ҳисса қўиш иштиёқи ҳар бир киши қалбида тўлиб-тошаган эзу мақсад-дир. Стадиондан сайлгоҳга чиқаятганлар чехраси-даги севик ана шундан далолат бериб туради.

С. КАРОМАТОВ,

Т. НАЗИРОВ,

«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

А. Н. КОСИГИН АФГОНИСТОН ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Совет Иттифоқда доволанаётган ва дам олаётган Афғонистон ташқи ишлар министри Нур Аҳмад Эттемодийни Қобулга жўнаб кетаётганлиги муносабати билан 21 мартда Кремлда қабул қилди. А. Н. Косигин билан Н. А. Эттемодий ўрта-сида самимий, дўстона суҳбат бўлди. суҳбат вақтида Афғонистоннинг СССРдаги элчиси Мухаммад Ориф ҳозир бўлди. (ТАСС).

С уратда: Бухоро областининг Ленин ордени билан мукофотланганига бағишланган хитингга «Янгиқонан» газ кинотрасининг пармаловчи мастери Эргаш Химматов сўзламоқда.

В. Сироткин фотолари.



Халқ

КОНТРОЛИ

саҳифаси

ТЕХНИКА ЭКИШГА ШАЙ БЎЛСИН

ХАТГА ЭЪТИВОР—ЭЛГА ЭЪТИВОР

МЕХНАТ ВЕТЕРАНЛАРИГА РАМХЎРЛИК КЕРАК

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ТЕЖАЙЛИК

ЭКИШГА ТАЙЕРГАРЛИКНИ ТЕКШИРАМИЗ!

ТЕХНИКА ШАЙ БЎЛСИН

Рамзон Нормуродов колхоз гаражига кириб келганда икки киши ҳал талашиб турарди:

- Оғайни, Халимни шахсан яхши танийман. У сен айтган қўли эгри йиғитлардан эмас.
- Жўра, ахир сен коммунистсан-ку, нега унинг айбини яширасан...
- Рамзон аввалгига жим турди, кейин гапга аралашди.
- Уртоқ Арслонов, нима гап ўзи?
- Тўхмат, менинг шоферимга куруқ тўхмат қилишлатти.— Бўйнига ингичка қора галстук тақиб, бошига шўлапа кийиб олган колхоз экспедитори қўлини пахса қилиб гапга бошлади.
- Шовилманг, ҳаммасини аниқлаймиз.— деди назоратчи Рамзон Нормуродов.

Экспедитор елка қисиб, одамлардан узоқлашди. Колхоз халқ контроли группасининг аъзолари Рамзон Нормуродов, Бўстон Арслонов ўртоқлар шофер Халим Ханимовнинг кейинги икки ойда бажарган ишлари ва сарф қилган йиғилсини текшириб чиқишди. Маълум бўлишича, у колхоз ишдан кура ўзи ва экспедиторнинг шахсий ишларига кўп ечилиб сарфлаган. Текширишда 442 литр бензин, 100 литр автол ортинчи сарф қилганини аниқланди. Халқ контроли группасининг аъзолари колхоз гаражидан содир бўлаётган исрофгарчиликни чуқур анализ қилиб, правление йиғилиши муҳокама қилишди. Мамлисида шофер Х. Ханимов айбларига иқдор бўлди. Правление йиғилиши хўжаликка келтирилган зарарни Х. Ханимовдан ундириб олишга қарор қилди.

Бухоро районидagi Навоий номи колхозда ташкил қилинган халқ контроли группасига ўттиздан ортиқ киши жалб этилган. Улар орасида Рамзон Нормуродов, Бўстон Арслонов сингари зийрак коммунистлар, ишчан комсомол-шўлар бор. Халқ контроли группасига Тўра Ражабов бошчилигида ишчанларнинг таъини олишга қарор қилди. Халқ назоратчилари рейд вақтида қишлоқ хўжалик техникасини асраш ва ремонт қилишнинг боришига кўпроқ эътибор бердилар. Маълум бўлишича, колхоз далаларида 9 борона, 5 селанка, бир неча та плуг ва чизеллар очик ҳавода қолиб зағзаллаб ётибди. Битта «ДТ-24» трактори колхознинг узок участкасида қаровсиз қолиб кетган. Ишчан халқ назоратчилари мазкур фактларни аниқлаб, правлениега маълум қилиш билан чекланиб қолмади. Коммунист Рамзон Нормуродов бир группа қишлоқ коммунистларини ердимида қаровсиз қолган қишлоқ хўжалик техникасини «Узсельхозтехника»нинг район устакхонасига жўнатди. Колхоз деҳқонлари қишлоқ хўжалик техникасини кучидан рационал фойдаланиб, пахтачиликни ривожлантиришга жиддий эътибор бердилар. Колхоз пахтакорлари бу йил 1000 гектар майдонга чигит экиб, гектаридан намида 25 центнердан ҳосил кўтаришмоқчи. 1970 йилга бориб, хўжаликда пахта майдони қарийб 2000 гектарга ётади. Хосилдорлигини гектар бошига намида 30 центнерга етказиш кўзда тутилади.

Колхоз пахтакорлари шу кунларда экишга ушшоқлик билан тайёргарлик кўрмоқдалар. Хўжалик механизаторлари мавзуд селанка, трактор, плуг, чизел ва бошқа техника асбоб-ускуналарини кўламага шай қилиб кўйдилар. Халқ контроли группасининг аъзолари қишлоқ хўжалик машина-механизмларининг ремонт сифатини кўздан кечириб чиқмоқдалар. Кўламага тайёргарлик билан боғлиқ бўлган барча ишлар халқ назоратчилари томонидан кузатиб борилапти. Улар кам ҳарамат билан мўл ҳосил етчирилиш, шу тариқа халқ фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўлишига интилоқдалар.

«Совет Ўзбекистони»нинг Бухоро область мухбиридан.

УНУТИЛГАН БУРЧ

Бизнинг жамиятимизда кексаларга ҳурмат катта. Кексаларнинг турмуш шартлари яхшироқ бўлиши, жамоат ишларида актив қатнашган ҳимматли отахон ва онахонларимиз билан фахрланиш.

Лекин Самарқанд районидagi «Ленинград» колхозининг раҳбарлари буни унутиб қўймоқдалар. Улар халқийнинг турмуш маданиятини тобора яхшилаш, ишга яроқсиз бўлиб қолган кекса ишчи, колхозчи ва хизматчиларга давлат нафақаси бериш тўғрисидаги қондаларга амал қилмаёттирлар. Натижада колхоздаги бир неча кексаларимиз ўз нафақаларини расмийлаштира олмаб оила сарсон бўлиб юрмоқдалар.

Колхознинг 11-бригадаси территориясида яшовчи Нозик Хола Умарова шу колхознинг ветеранларидан ҳисобланади. У колхоз ташкил топган 1930 йилдан бери тўхтовсиз меҳнат қилиб келди. Улуғ Ватан уруши даврида икки ўғли—нури—дийдасидан ажралди. Улар Ватан ҳимояси йўлида ҳалок бўлдилар. Ҳозир Нозик Хола Умарова 70 ёшда.

Аммо Нозик Хола колхоз пенсонерлар советининг раиси Уртоқ М. Нурмановнинг бепарволиги оқибатида пенсия оломай беш йилдан бери идорамандор сарсон бўлиб юрибди. Колхозда ўз қонуний пенсияларини оломай юрган бундай кексалар анчагина бор. Лекин бу ҳол колхоз раиси Облоқул Разақов, партия комитетининг секретари Бойи Рашидов, район социал таъминот бўлимидаги ўртоқларни ташвишга солмапти.

Кексалар бизнинг нури-дийдамиздир. Уларни раиятига ҳеч қимнинг ҳақи йўқ!

М. МУСАЕВ,

Самарқанд район халқ контроли комитетининг штатсиз инспектори.

Т. ИСМАТОВ,

ўқитувчи.

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

БЕПАРВОЛИК ТОКАЙГАЧА?

Сув йўлга оқияпти. исроф бўляпти. Бригада бошлиғи А. Сафарбоев ҳеч нарсани кўрмаган-дек, улфатлари билан бамайлихотир ҳў ичиб ўтирибди. «Бу йил сув кам, унинг ҳар бир тоғинини қарлаш керак» деб жар қилиб юрган бригадир С. Мамаинов ҳам шўр ювишга, сувдан рационал фойдаланишга бефарқ қарамонда.

Шовот районидagi «Партия XXII съезди» колхозда шўр ювиш суръати нўхотда сўст, сифати ёмон. Юқорида айтилгандек сувни исроф қилиш фактлари учрайди. Бугина эмас, техника ремонтни ҳам кечикмоқда.

Шўниси ачинарлики, техника тракторчиларнинг ўзи ёнида, кўча-қўйда қаровсиз қолдирилган. Юсуф Курбанов бошлиқ бригадда 30 тонна минерал ўғит зах ерда сақланиб, сифати бўзилган. Маҳаллий ўғит далага тўкиб қўйилган, унинг кучи йўқолиб кетапти. Колхоз раиси Назар Полванов экишга тайёргарлик ишларини тезлаштириш тўғрисида узундан-узок гапирди-ю, кам иш қилади.

«Ленинград» колхозда экиш олди ишлари кейинга сўрилмоқда. Даладан шўр ювишга тайёргарлик, ишчи кучларининг ача қисми жамоат меҳнатига қатнашмапти. Бригада бошлиғи Раҳим Матюсов 670 тонна гўнг тайёрланди, деб нотўғри маълумот берган. Улжаб кўрилганда жамгарларнинг гўнг 124 тонна чиқди. Колхоз раиси Нўзод Бобоқонов кўзбўймачи бригадига нисбатан чора кўрмади.


Районнинг Чкалов номи, «Правда» колхозларида ҳам аҳвол шундай. Мақкур хўжаликларда экишга тайёргарликнинг бориши текширилиб, йўл қўйилганда намчиликлар оқиб ташланган эди. Лекин ҳаётлар секинлик билан тузатилаётганлиги кишини таажублантиради.

Я. ПИРЖОНОВ,
Ф. ЗОХИДОВ,
Хоразм области.

Рассел блокхотидан



Изоҳнинг ҳолати йўқ.



— Тўхта! Хали юқоридан индашмалти-ку.

МАТЕРИАЛНИ ТЕЖАНГ!



Тежамкорлик ҳақида нўрғамали агитация.

М. Воробейков иштаган расмлар.

«Полвантош» нефть қони халқ контроли группаси номига бир шикоят тушди. Унда ёзилишича, 3-автотранспорт колоннасида машиналардан рационал фойдаланилмади, баъзан машиналар нўқсон билан йўлга чиқмоқда. Бунинг оқибатида кўнгилсиз ҳодисалар рўй бермоқда.

Халқ контроли группасининг раиси Ли Хан Сек бошчилигида назоратчилар дўрхот 3-автотранспорт колоннасига бориб, шикоят бўйича текшириш ўтказдилар. Текширишда келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Текшириш якуни қон партия ташкилотининг йиғилишида, муҳокама қилиниб, автокўлабга сарфларнинг бошлиғи С. Айвазов қаттиқ огоҳлантирилди.

Халқ контроли группаси электр энергиясини тежаш бўйича 13 кишидан иборат махсус комиссия тузган. Бу комиссияга район халқ контроли комитетининг штатсиз инспектори ўртоқ Латиф

ТАДБИРКОРЛАР

зода бошчилиги қилмоқда. Комиссия аъзолари электр энергиясини тежаш бўйича тез-тез текширишлар ўтказиб турибдилар. Ёқинда ўтказилган текширишда цехдаги электродагетеллар беҳудага ишлатилгани аниқланди.

Комиссия аъзоларининг бевоқифа аралашуви натижасида «Полвантош» посёлкаси кўчаларидаги электр чирокларини ўчириш ва ёндириш автоматлаштирилди. Бу ерда кўчалардаги чироклар қоронғи тушиши билан автоматик равишда ёнади, тонг отиши билан ўчади. Тўнда магазин, ошхоналарда бир ёки иккита контрол лампочкаларни ёниқ ҳолда қолдириш, қолганларини эса ўчириб қўйиш ҳам одат тусига кириб қолди.

Халқ контроли группаси ва пост аъзолари

1965 йилда жойларда ҳаммаси бўлиб 28 марта текшириш ўтказдилар. Деярли барча текширишлар якуни қон партия ташкилоти йиғилишларида муҳокама қилинди. Кези келганда шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, қон партия ташкилоти (секретари ўртоқ Зоккиров) халқ контроли группасининг ишига ҳар томонлама ёрдам берапти.

Бу ерда халқ контроли группасининг органи «Халқ контроли объекти» номи сатирексатория газета ҳар ойда мунтазам чиқариб турилади. Халқ контроли группаси раисининг ўринбосари ўртоқ З. Мурзақов деворий газетани мазмунли ва қизиқарли қилиб чиқаришда шахсан ташеббус кўрсатяпти.

Контролёр ва пост аъзолари О. М. Ткачев, В. М. Матюшин, М. Столбовских, А. Р. Ни,

Н. Чубаров, А. Ханимов ўртоқлар текширишларда актив қатнашиб, бошқаларга ибрат бўлмоқдалар.

Ўқинда халқ контроли группасининг раиси ўртоқ Ли Хан Сек ахши ва самарали хизматлари учун область халқ контроли комитети томонидан мукофотланди.

— Бу мукофот битта менга эмас, балки назоратчиларининг барчасига берилган мукофотдир,— дейди ўртоқ Ли Хан Сек сўхбатда.— Биз бундан бўён ҳам жойларда мунтазам текширишлар ўтказамиз. Ишда юз бераётган ҳар қандай камчилик ва нўқсонни бертараф қилишда қон маъмурияти ва партия ташкилотига яқиндан ёрдам берамиз.

Т. КОМИЛОВ.

Андижон области, Ленинск шаҳри.

Фарғона области, Қува районидаги хўжаликларда 142 та ҳар хия трактор, 82 та селанка ўз вақтида сифатли ремонт қилиб қўйилди. «Узсельхозтехника» район бирлашмаси устакхонаси бажарган ремонтнинг сифатини текширишда халқ назоратчилари натта иш қилдилар. Улар ҳар бир машина, ҳар бир қисмин яхшилаб текшириб кўрдилар. Суратда: ремонт сифатини текширган халқ назоратчилари О. Тешабоев, Д. Холимураев, И. Исронов ўртоқлар устакхона раҳбарлари Т. Абдурахимов (ўнгда) билан сўхбатлашмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

ҲАММА ХУРСАНД

«Аврора» совхозини Қарши ўзлаида янгидан ташкил топган хўжалиқдир. Унинг экономикаси дил салин ривожланиб, маданияти юксалиб борапти. Ўнда халқ контролёрларининг ҳиссаси оза эмас.

Ўртоқ Н. Камбаров раҳбарлик қилаётган халқ контроли группасининг аъзолари узунку дала-ларда, фермаларда бўлиб, ишчиларнинг ҳаёти билан, иш шароитлари билан танишадилар.

И. ХИМЯТОВ.

СОВЕТ КИШИСИ бирор муассасага хат ёзди ёки ўзи келиб учрайдди. Бу тасо-дифий бир ҳол эмас. Зотан, уни бирор бир масалага жавоб олишини истади. Ҳоҳ қанда, ҳоҳ қичин, ҳоҳ шахсий, ҳоҳ ижтимоий масала ўзинга баъбаравар эътибор, аниқ-равшан, қониқарли жавоб талаб қилади. Шунинг учун ҳам у, зарур тарзда вақтида ҳал этилади.

Халқ контроли органлари, турли ташкилот, муассасаларга меҳнатқиллардан хат, синаллар келиб туради. Давлат аҳамияти бор ёки шахсий характердаги бу хат, сигналлар аслини олганда, меҳнат ўлчови билан иштей-мол ўлчови услудини олмавий контролнинг ва давлат ишларини бошқаришда граждандар иштирокнинг формаларидан бирини ифода-лайди. Улар жамият манфаатлари ҳақидаги қинама раҳмхўрлик руҳи билан суғрилган совет кишилари Ватанимизнинг коммунизм сарти тағин ҳам тезроқ одим ташлашга ёрдам бериш иштиғи билан тўндо-тошгандилари-дан далолат беради.

